

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЕСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 7 (9.199) 1999 йил 20 январь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ
МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кеча Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг янги мuddатга президентлик вазифасини бажаришга киришиши муносабати билан бўлудиган маросимда иштирок этиши учун Остона шаҳрига жўнаб кетди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига мусулмонларнинг Муборак Ийд Рамазон байрами муносабати билан жаҳондаги қўлбал мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарларидан, халқаро ташкилотлардан дил сўзлари ихзор этилган қўтловлар келмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 январь кuni пойтахтимизда барпо этилаётган Хотира майдонига олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишганидан кейин Ўзбекистон академик рус драма театрининг янги биносини кўздан кечирди, театр жамоаси билан самимий суҳбатда бўлди. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Тошкент шаҳри марказида қуриладиган янги биноларнинг лойиҳалари билан танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Президентнинг янги ишчиотлар билан танишуви чоғида унга Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тулганов ҳамроҳлик қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Республика газеталарида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.

● Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарувининг пленумида Ўзбекистон Республикасининг янги тахирридаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунининг лойиҳаси ҳақидаги масала муҳокама этилди.

● Кўкondaги қурилиш маҳсулотлари корхонасида янги лойиҳалар асосида қуриладиган замонавий академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● Тошкентда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди.

● Орolni кўтариш халқаро фондининг ихроия кўмитаси Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига 30 минг доллар қийматидаги навбатдаги доридармон туркумини жўнатди.

● Ўзбекистон — Россия «Элга — Осиё» қўшма корхонасида ошхона маиший электр плиталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ЖАҲОНДА

● Яқшанба кuni Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин кучли ошқозон яраси ташхиси билан Марказий клиник касалхонага олиб келинди. Борис Ельциннинг аҳоли бир маромада кетмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, уни шифхонада даволаш уч ҳафтагача давом этади.

● Кеча Москва банкларо валюта биржасида янги валюта — евро бўйича савдолар бўлиб ўтди.

● Утган кuni Марказий банкдан кейин Россиянинг жамғара банки ҳам эски нусхадаги пулларни айри-башлашга киришди.

● Ўзбекистон Республикасининг Қоҳирадаги элчихонаси Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасида илмий-маданий ҳамкорликни ривожлантириш доирасида Қоҳира университетини иктисод ва сибастануолик факультетининг Осиё тадқиқотлари марказига Ўзбекистон тўғрисидаги китоблар мажмуасини тортиқ этди.

● Озарбайжоннинг 75 ёшли Президенти Хайдар Алиев бронхит ташхиси билан даволашга ётқизилди. Шифокорларнинг фикрича, Хайдар Алиевнинг саломатлиги қониқариш даражада. Хозир у Туркияда даволанмоқда.

● Косоводаги албан сепаратчилари мамлакатнинг шимолида қўлга олинган югослав армиясининг саккиз нафар ҳарбийларини озод этишга розилик беришди. Асирлар Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти вакилларига топширилади бўлди.

● Кеча Москвада МДХ мамлакатларини хавфсизлик кенгаши топириларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ҳамдўстликнинг коллектив хавфсизлиги масалалари муҳокама қилинди.

● Курд ишчи партиясининг етакчиси Абдулла Хожалан Италияни тарқ этди. Маълумки, у ноябрь ойининг ўрталаридан бошлаб бу ерда эди. Абдулла Хожалан номаълум йўналиш бўйлаб жўнаб кетди.

● Бугун Лондонда лордлар палатасида Чилининг собиқ ҳукмдори Пиночетнинг тақдирини ҳал қилинди.

● Ҳиндистоннинг Ахмадодоб шаҳрида фольклор рақслари халқаро фестивали бўлиб ўтмоқда. Ушбу санъат байрамининг қатнашчилари ва меҳмонлари ўзбек миллий рақс ижодиёти намуналари билан ҳам танишдилар.

● Бугун Парижда олий модалар фестивали бўлиб ўтди.

● Москвада ўзбекистонлик рассомларнинг «Саҳронинг ёруғ кўёши» деб номланган асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазма Халқаро рассомлар уюшмаси конфедерацияси ва Тошкентдаги «Мастер» артгалереяси томонидан ташкил этилди.

● Япониянинг Йокогама шаҳрида роботлар фестивали бўлиб ўтди.

● Руминияда қончиларнинг иш ташлашлари бўлиб ўтмоқда.

● БМТнинг воситачилиги туфайли Суданда ҳукумат исёнчилари билан сентябрнинг охирига қадар ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимга эришди.

● Бразилияда миллий валюта — реалнинг кадри тушиб кетмоқда. Бразилия Президенти Кардоза халқни хотиржамликка даъват этиб, мурожаат қилди.

● Омонда шу ҳафтада араб давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

● Ҳиндистон пойтахтида учинчи Деҳли халқаро мошошуи бўлиб ўтди.

● НАТО кенгаши шанба кuni Косовода ўлдирилган қирқ беш нафар албанларнинг ўлими хусусидаги ишнинг эздилик билан тергов қилишини Белграддан талаб қилди.

● Корея Республикасида самарқандлик рассом Аслиддин Исавнинг энг сара асарлари жамланган тўпلام нашрдан чиқарилди. Унда мўйқалам устасининг қариб 30 йиллик ижоди давомида яратган асарларидан 71 таси ўрин олган.



МУНОСАБАТ ИНСОН ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

Тириклар бор экан бу дунёдан ўтганлар, шахид бўлганлар хотираси ёдга олинади. Уларнинг номи халқимиз калбига абадий сақланиб, гўзал қуй-қўшиқларда тараннум этилади. Президентимиз Ислам Каримовнинг Хотира хиббониде амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари билан танишиш чоғида 9 Майни Хотира ва қадрлаш кuni деб эълон қилиш ҳақидаги таклифи барча хамшахарларимизни тўлқинлатиб юборди.

Муштариёларимизга аввал ваъда қилганимиздек, соат 15 дан 17 га қадар «Кўнгирокларингизни кутамиз» деган янги руқимиз орқали бўлган бевосита мулоқот чоғида ҳам йўлбошимизнинг ушбу таклифларини қўллаб хамшахарларимиз яқдиллик билан маъқулаган дил сўзларини эътибор олишга мўъссар бўлди. Дарҳақиқат, кечаги кўнгирок оддий кўнгироклар эмас эди, балки юртимиз одамларининг юрак тубидан чиққан қалб садоларидир:

● **Бибисора ҲАСАНОВА, 319-мактаб ўқувчиси:**
— Президентимизнинг 9 Май кунини Хотира ва қадрлаш кuni деб эълон қилиш ҳақидаги таклифи айни халқ кўнглидаги гап бўлди. Негаки, инсон хотира билан тирик. Утганларни хотирлаш, тирикларни эса қадрлаб авайлаш барчамизнинг олдимиздаги энг муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Биз ўзини юрт оқсоғи, хуррият йўлида қурбон бўлган юртдошларимизни хотирлаб, қолган кексаларни қай даражада қадрласак, келажак авлод ҳам бизни ана шундай эъзозлайди. Ахир қайтар дунё энг муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

● **Абдусифи РАСУЛОВ, Шотурсун Фуломов маҳалласи оқсоқоли:**
— 9 Майни Хотира ва қадрлаш кuni сифатида нишонлаш ҳақидаги таклифи хаммамизга маъқул бўлди. Худди шу кuni маҳалла-ёғи билан маҳалламизда яшаган ёзувчи-шоир, бугунда маҳалла номи ана шу улғун инсон билан аталувчи Шотурсун Фуломовни, иккинчи жаҳон урушида шахид бўлган ватандошларимизни, умуман хамки, бу дунёдан ўтган азиз маҳаллодошларимизни янада чуқур ҳурмат, эҳтиром билан эъза олишга қарор қилдик. Инсон хотираси тириклар, ўғил-қизлари қалбига яшар экан демак, у абадий ҳаёт бўлади.

● **Ҳолида ИСКАНДАРОВА, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ходими:**

— Президентимиз Ислам Каримовнинг 9 Майни Хотира ва қадрлаш кuni деб эълон қилиш хусусидаги таклифини эшитиш жуда хаяжонландирди. Чунки бу билан нафақат ота-боболар хотираси, уларнинг руҳи, балки иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлганлар, Афғонистон тулғида шахид бўлган ўғлонлар хотираси ҳам ёд олинади. Шунингдек, аслида хуррият, ис-

тиқлол қурашчилари бўлган, бироқ ўтмишда «босмачи» дегу қораланган Шермухаммадбекдек мардлар, қатагон даврининг қурбонлари бўлган Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Чўпон сингари халқимиз фидойиларини ҳам ҳар қачна ёдга олсак, хотирласак арзийди.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА эътибор олди.

МАРҲУМЛАР ЁД ЭТИЛИБ, БАРҲАЁТЛАР ҚАДРЛАНАДИ

Инсон хотираси муқаддас ва абадийдир. Халқимиз ўз тақдир хавф остида қолган энг масъулиятли дамларда Ватан ва эл химоясига кўксини қалқон қилган мард ўғлонларини хаммиса ардоқлаб, ёдга сақлаб келади. Афсонавий Широқдан бошлаб, македониялик Искандарга қарши курашган Спитамен, манфур мўгул босқинчиларига қарши қилич кўтарган Жалолиддин Мангуберди, Шайх Нажмиддин Кубродан буюк сохибқирон Амир Темургача — халқимизнинг асл фарзандлари авлодлар хотирасида хаммиса эъзозда.

Рус чоризмининг босқинига қарши, ундан кейин «Кизил империя» истибодига қарши бош кўтарган юзлаб ва минглаб Ватан ва халқ химоячилари номлари бугунги кунда кенг маълум бўлиб бормоқда, янги-янги қаҳрамонларимиз эл-юрт эҳтиромига сазовор бўлмоқда. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон тулғидаги жуда олимда бўлишига қарамай, ўз юрти, халқи озодлиги ва мустақиллигини асраб қолиш учун жон олиб-жон берган миллатимиз намояндаларининг буюк жасоратлари тилларда достон бўлгудек. Ярим миллионга яқин жигарбандларимиз — ота-боболаримиз, амаки-тоғаларимиз, онахонларимиз ҳоқи ҳаёт-мамот жанглари майдонига айланган хорийж қуртларда қолиб кетди. Уларнинг доғи хамон кекса отахон ва онахонларимиз, халқимизнинг уларни қўрган ва ашитган бугунги авлоди қалбларидан хамон ўчгани йўқ. Уша дахшатли уруш туфайли энг яқин кишиларидан жудо бўлганлар хонадонларида хамон хотира шамчиқроқлари ёқилади, тиловатлар ўқилади.

Айни пайтда уша уруш дахшатларини бошидан кечирган, жанг майдонларидаги галабани узоқ Ўзбекистондан туриб ақинлаштириш учун бутун кучларини аямай, кечаси-ю кундузи меҳнат қилиб, яна ўз насибаларини қисиб-қимтиб, ортирганларини хам танқар, қурол-аслаҳалар учун фронтга

жўнатган захматқаш, аммо камтарин, камсўқум боболар ва бувиларимиз, отаю оналаримиз қадрини юксак кўтариш ваки келди. Зеро, истиқлолимиз мана шу буюк қадриятли, инсонийлик бурчимизни ёдга солди, ўзлигимизни англаб, идрок этиш ва эъзозлашни ўргатмоқда...

Шу йил 15 январь кuni муқтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг пойтахтимизнинг бош майдонига бунёд этилаётган Хотира майдонини бориб кўриб, бу ерда билдирган мулоҳазалари таъсирида юқоридеги фикрлар хавбдан кечди. Ҳақиқатан ҳам Галаба кунини сиёсий тадбирозликка айлантирмай, халқимизнинг буюк фарзандлари хотираси кuni, фронт ортида жасорат кўрсатган барҳаёт ватандошларимизни қадрлаш кuni сифатида нишонлаш ҳақидаги йўлбошимиз таклифлари аж-доқлар хурматини хаммиса қалбига жо қилиб келган миллатимиз руҳига, муқаддас аъноналарига жуда мос келади.

Бунёд этилаётган Хотира майдони нафақат пойтахт ахли, балки бутун республика меҳнатқашлари учун муқаддас зиёратгоҳга айланиши турган гап. Зеро, уни бунёд этишда мамлакатимиз хамма вилоятларининг кўли гул усталари, амалий санъат даҳолари иштирок этди. Президентимиз таклифлари ва халқимиз иродаси билан барча вилоятларимизда, шаҳар ва туманларида қаҳрамон хамюртларимиз хотирасини абадийлаштирувчи муқаддас зиёратгоҳлар қад кўтарилди.

Пойтахтимизда салобат тўкиб турган Темирийдлар тарихи Давлат музейини шахримиз маънавий ва меъморий маркази эъзага айлантириш юзасидан Юртбошимиз таклифлари, бу масалага уларнинг тақдор-тақдор қайтаётганлари тошкентликлар қалбини жўш урдирди юборди. Буларнинг хаммаси марҳумлар хотирасини улуғлаш билан бирга барҳаёт ватандошларимиз қадр-қимматини юксак кўтаришга, ўз-ўзимизни қадрлашга ўрганишимизга хизмат қилиши шубҳасиз.

СУРАТЛАРДА: Хотира майдонига қурилиш ишлари билан танишув пайти.

Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.

Мусулмонлар учун муборак саналган Рамазон ойи тугаши муносабати билан ўтган кuni шахримизнинг барча жоме масжидларида Ийди Рамазон ҳайит намозини ўқиш бўлиб ўтди.

Президентимиз хамда ҳукуматимиз юртимиздаги мўмин-мусулмонларга шарт-шароит яратиб беришда барча имконият-

лан қуллади. Масжидда хозир ушбу ибодатлар, бир ой тутилган рўзани Яратган ўз даргоҳида қабул қилиши, Президен-

вончи унинг хам қувончи эканини билдирди.

Ийди Рамазон ҳайит намозини ўқиб бўлган айрим хам-

албатта юртимиз истиқлолга эришгани, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов биз мусулмонларга Ислам динининг барча арконларини адо этишимиз учун барча имкониятларни яратиб бераётгани сабабдир. Бундай гамхўрлик халқимизнинг маънавий қиёфасини янада гўзаллаштиради.

● **Ғофир ҲУСАНОВ:**
— Шу кезларда халқимиз бениҳоя шод. Ўттиз кун рўза тутиб, покландилар. Қилган ибодатлари учун Яратган улкан савоблар берганини хис этганинда қалбинг қувончага тўлиши янада яхши! Бунинг устига яқинда Вазирлар Маҳкамасининг Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қарори биз мусулмонларни янада шодлантирди...

Худди шу кuni шахримиздаги бошқа жоме масжидларида ҳам Ийди Рамазон ҳайит намози ўқилди. Янги келин тушган хонадонларга меҳмонлар тўлди. Ҳар бир оилада байрам нафаси кезди.

Абдулмалик АБДУРАҲИМОНОВ, СУРАТЛАРДА: шахримиздаги шайх Зайниддин жоме масжидида ҳайит намози пайти.

Рашид Галиев олган суратлар.



БУГУН

пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам «Харакатланиш хавфсизлиги ойлиги» бошланди. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорати бошқармасининг бошлиғи, милиция подполковниги Махмуд Юсуповдан бошланган «Харакатланиш хавфсизлиги ойлиги»дан кўзда тутилган макссад хусусида сўзлаб беришни сўрадик.

— Ушбу ойлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 январдаги 6Ф-сонли Фармойишига асосан ўтказилмоқда. У 20 февралга

ДАН

ҲАРАКАТЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт қилишдан иборатдир. Шу ўринда иккита далил келтирмоқчиман. Ҳар йили пойтахтимиз йўлларида рўй бераётган бахтсиз ҳодисалар оқибатида икки юздан ортқ одам ҳаётдан кўз юммоқда. Уч мингга яқин кишилар эса жиддий жароҳат олмақда. Ана шундай ҳолатларнинг рўй бермаслиги учун йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиш керак бўлади. Бу нарсга йўловчилар зиммасига ҳам, хайдов-

чилар зиммасига ҳам, Давлат автотранспорт ҳодисаларининг эздилик билан назоратчилари зиммасига ҳам муайян масъулиятлар юклайди. Шу боисдан айниқса йўловчилар йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишлари даркор. Доим хушёр бўлишлари даркор. Бир сўз билан айтганда йўл ҳаракати қоидаларини ҳурмат қилиш керак. Бу борада ота-оналарнинг зиммасидаги вазифалар ҳам масъулиятлидир. Улар болаларини йўл қоидаларига риоя қилиш-

хавфсизлигини таъминлаш, ноҳуш йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдан иборатдир.

Маълумки, йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни каттадир. Шу жиҳатдан олганда «Оқшом» газеталарининг бу борада олиб бераётган ишларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бинобарин, бу галги «Харакатланиш хавфсизлиги ойлиги» пайтида «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари саҳифаларида ҳаракат хавфсизлиги муаммолари ёритилган энг яхши мақолалар учун қўриқ-танлов ўтказишга ҳам қарор қилдик. Танлов гоилиблари Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорати

Сўхтанир Хондамир СОЛИХОВ эътибор олди.

Ҳамкорлик

УЯЛИ АЛОҚА ХИЗМАТИНГИЗДА

Ўзбекистон — Америка «Ўздунробита» қўшма корхонаси 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан АКШнинг JCG компанияси билан ҳамкорликда Марказий Осиё минтақасида ташкил этилган биринчи уяли алоқа корхонасидир. Ўтган давр мобайнида қўшма корхона жамоаси тармоқда сезиларли ютуқларни қўлга киритди. Истеъмолчиларга қўшимча имтиёزلар жорий қилинди, мижозлар учун янги хизмат турлари яратилди. Бунда жамоа атрофида уюшган муҳандислар, менежерлар, операторлар, иктисодчилар, капитал курилдиш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш, мониторинг, маркетинг сингари соҳа мутахассисларининг салмоқли хиссалари бор.



собланади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги минтақада биринчи уяли алоқа корхонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Америкалик ҳамкорлар, хусусан JCG компаниясининг бўлажак қўшма корхонага йирик сармоа киритиши мамлакатимизда бошланган иктисодий ислохотларга бўлган юксак ишонч намунаси эди.

Ўтган давр мобайнида қандай ютуқларга эришилди?

— 1992 йил ёзида корхонада Марказий Осиё тарихида биринчи марта уяли телефон алоқаси йўлга қўйилди. Бугунги кунда пойтахтимизнинг ўзидагина ана шу алоқа турининг 40 мингга яқин абонентлари бор.

1993 йил — дастлабки NMT андозасидан замонавий америка андозаси — AMPS, сўнгра эса рақамли DAMPS тизимига ўтиш даври бўлди. Бу эса абонентлар сонини 3 баравар ошириш имконини берди. 1995 йилда республика тармоғи 80 шаҳар ва аҳоли пунктларини бирлаштирган бўлиб, истеъмолчилар сони

8 мингга етди. 1996 йилда «Ўздунробита» қўшма корхонаси тармоғида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан 70 мингдан зиёд истеъмолчи бор эди. 1997 йил корхона муҳандислари томонидан Марказий Осиёда биринчи уяли алоқанинг учинчи авлоди — DAMPS 15-136 тизими ишга туширилди.

Қўшма корхонанинг бугунги салоҳиятини қуйидаги рақамлар орқали ҳам билиб ола сиз бўлади. «Ўздунробита»нинг 20 мингдан зиёд истеъмолчиларига энг замонавий рақамли DAMPS андозасида хизмат кўрсатиш мумкин. Қўшма корхонада хизмат кўрсатиш ташрифлари мунтазам равишда арзонлаштириб борилади. 1998 йилнинг май ойида корхонада уяли алоқа аппаратларини улаш тарифи 20 баравар камайтирилди. Бугунги кунда «Ўздунробита» қўшма корхонаси 50 мингдан зиёд истеъмолчиларга хизмат кўрсата олиш имкониятига эга.

Жамоанинг янги йил режалари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Биз эришилган ютуқларни янада мустақамлаш учун янги йилда хизмат турларини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, бошқа давлатлар билан ҳам халқаро автоматик роуминг шартномаларини тузиш ва албатта, кишлоқ жойларда ҳам истеъмолчилар тармоғини ўтказиш ишларини амалга ошириш юзасидан ҳам ўз режаларимизни белгилаб олдик. Мустақил Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлида ана шу шарафли вазифаларни бажариш учун аҳил жамоамиз бундан буён ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилаверади.

Сухбатдош Мирзаали АКБАРОВ. СУРАТЛАРДА: қўшма корхона фаолиятдан лавҳалар.

Солих Зоир олган суратлар.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг шаҳар Адлия бошқармаси, шаҳар ҳўжалик суди, шаҳар адвокатлар коллежиси ва Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда шахримизнинг 11 туманида ҳўжалик ва контрактация шартномалари бўйича семинарлар уюштирилгани айни мuddао бўлди. Семинарлар туман ҳокимликлари ҳузуринда ҳўжалик фаолияти билан шугулланувчи ва шу аснода ҳўжалик шартномаларига дуч келувчи раҳбар ходимлар билан очик мулоқот тарзида ўтказилди. Аминимизки, улар ўзининг ижобий самарасини беради. Камина ҳам ушбу семинарларда иштирок этгани учун куйидаги хулосаларини бериши мумкин бўлди.

Семинарларда асосан қуйидаги хулосаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шартномага кўра, тарафлардан бири шартлашилган мuddадада тадбиркорлик фаолияти сифатида бирон-бир товарни бериш (хизматлар кўрсатиш, ишлаб бажариш) мажбуриятини олади, иккинчи тараф эса шартнома предмети қилинган ҳақини тўлайди. Демак шартнома тарафларнинг келишуви ҳисобланади. Бу келишув бирон-бир ҳаракатни бажаришга ёки уни бажаришдан сақлашнига қаратилиши мумкин. Шартномалар объекти, субъекти ва мазмунига қараб,

турли номларда аталиши мумкин. Шунга қараб, унинг ўзига хос хусусиятлари келиб чиқади. Биргина Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексидан шартномаларнинг 39 тури ҳуқуқий тартибга солинган (олди-сотди, контрактация, махсулот етказиб бериш, сўғурта, франшизинг ва ҳоказолар).

Шартнома муносабатларининг асосий принциплари:

- шартнома тузиш эркинлиги;
— ўзаро манфаатдорлик;
— шартнома интизомига риоя этиш;
— ўзаро мулкий жавобгарлик.

Бозор муносабатлари шартномалар биринчи планга чиқиб қолишининг омиллари нимада?

Тарафлар эркинроқда эркин бўладилар, бинабар, ким билан қандай шартнома тузиш тарафларнинг ўзигагина боғлиқ; — бу соҳада маъмуриятчилик, тўрачилик кетмади, лимит, давлат режаси, буйруқ деган нарсасиз бўлади. Бунда бозор муносабатларининг барометри ҳисобланмиш — талаб ва таклиф қонуни амал қилади; — тарафларнинг бутун салоҳиятини юзага чиқаради, ишлаб чиқариш ва меҳнатга бўлган янгича муносабатларини рағбатлантиради. Шартнома бўйича тарафларнинг ҳуқуқлари

қандай? Амалдаги қонунчиликка кўра: — шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотлар, бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш; — ушбу масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

Ҳуқуқий маслаҳатхона

ШАРТНОМА ИНТИЗОМИ: МАНФААТ ВА МАСЪУЛИЯТ

давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асосланган ҳисоб-ёзма жавоблар олиш; — бошқа тарафининг иктисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик ҳиҷатлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш; шунингдек, истеъмолчи сифатида;

— товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи (бажарувчи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш; — товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши; — товар (иш, хизмат)нинг ҳавфсиз бўлиши; — ҳаёти, соғлиги ва молмулки учун ҳавфли нуқсонли бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчи (бажарувчи, сотувчи)нинг гайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) тўғрисида алоҳид ҳақидаги маълумот олиш.

да қопланиши; — бузилган ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб, судга, ҳўжалик судига мурожаат қилишлари мумкин. Тарафларнинг мажбуриятлари: — Қонун ҳужжатларининг талабларига риоя қилишлари; — шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

Шартномалар бора-сида қандай нуқсон ва камчиликлар мавжуд?

— Қонун ҳужжатлари етарлича ишлаб чиқилиб, амалга киритилганига қарамай, тарафлар (айниқса, истеъмолчилар) ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини яхши билмайдилар; — энг ачинарлиси, кўп ҳолларда шартномаларнинг бандлари қалам билан тўлдирilib, сўнг манфаатдор томонлар учун пайити келганда бир қатор «тузатиш»лар киритилмоқда; — шартномаларнинг ҳуқуқий мезонларга жавоб бермаслиги, яъни корхона шартномасига ҳуқуқий баҳо беришга юридик хизматнинг яхши йўлга қўйилмаганиги ёки умуман йўлга қўйилмаганиги; — ҳуқуқи бузилган, манфаатлари поймол этилган тараф кўп ҳолларда унинг тикланишини сўраб, оид судловни амалга оширувчи суд ёки ҳўжалик судларига эмас, балки ўзидан юқори туровчи органларга ёки давлат ҳокимият органларига мурожаат этадилар; — кўпинча шартномалар ваколатсиз шахслар томонидан имзоланмоқда. Бу — шартнома лозим даражада бажарилмаслигига ўз-ўзидан қафолат ва ҳўжалик юритувчи субъект биринчи раҳбарининг жавобгарлиқдан четга чиқиб қолишига асос бўлмоқда.

Миродил БАРАТОВ, ҳуқуқшунос.



Бозор муносабатлари шартномаларда меҳнат аҳлининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда корхона маъмурияти ва касба уюшма қўмитасининг ҳамжиҳатлик билан ишлаши катта аҳамиятга эга. «Тошмаргё» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятининг бу борадаги фаолияти диққатга сазовордир.

Бозор муносабатлари ҳар бир кишидан астойдил меҳнат қилишни, боқимандалик кайфиятидан батамом ҳалос бўлишни тақозо этади. — дейди бошқарув раиси Баҳром Махмудов. — Буни корхона меҳнат аҳли яхши тушуниб, иш жойини қадрлайдилар. Корхонада иш-

Касба уюшмалари МЕХНАТКАШЛАР ЭҲТИЁЖЛАРИНИ КўЗЛАБ

чи-хизматчиларнинг асосий қисми яқин атрофдаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган маҳаллий миллат вакиллари бўлиб, ўртача иш стажини 15 йилни ташкил этади. Ўртача иш ҳақи — 11257 сўмни ташкил этади. Иш жойлари тоза, озода бўлиб, меҳнат ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига риоя қилинади. Айниқса, корхона касба уюшмаси қўмитаси раиси М. Зуфаровнинг ҳар бир кишининг кайфияти, оилавий аҳволи, ўй-фикрларидан ҳабардор эканлиги корхона аҳлининг ижтимоий муҳофазалашда қўл келмоқда. Ҳар бир йирик ҳеҷларда маданий дам олиш, овқатланиш учун кулай, шинам безатилган хоналар бўлиб, ишчилар хизматдан бўш вақтларида радио тинглаб, газета-журналларни мутолаа қилиб, мироний хордик чиқарадилар.

Сир эмас, мулкчиликнинг турли шакллари юзага келганда ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари — ётоқхона, болалар боғчалари, санаторий-профилакторийларни базис корхоналарнинг маъмурияти маблаг етишмаслиги тўғрисида сўраб юборди ёки бошқа соҳага ўтказиб бериб, муаммосини ҳал этишга уринди. Аслида муаммо ҳал бўлдими? Йўқ. — Ишчи-хизматчиларнинг соғлигини сақлаш, оиланинг

Таълим МУНОСАБАТЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

Миср Араб Республикаси билан Ўзбекистон ўртасида яхши алоқалар ўрнатилиб, ҳар икки мамлакатда эътиборга молик ишлар қилинди. Яқинда Ўзбекистондан бир гуруҳ санъаткорлар Миср Араб Республикасида бўлиб, Қоҳира шаҳридаги энг катта опера театрида мисрликларга ўз томошаларини кўрсатдилар. Бу томошалар мисрликларнинг олқишига сазовор бўлди. 1998 йилнинг 26 ноябрида Ўзбекистон киносанъати усталари томонидан яратилган фильмлар Қоҳирада ўтказилган халқаро фильмлар кўргазмасида иштирок этди. Шулар қаторида икки мамлакат ўртасидаги илмфан соҳасида ҳам муносаб ишлар олиб бориляпти. Бунда мен илм соҳасидаги мутахассисларнинг олиб бораётган ишлари борасидаги таҳриба алмаштиришларини назарда тутаялман.

Мухтарам Сами Ҳаммад жаноблари. Аввало, таълим марказининг мақсад ва вазифалари ҳақида батафсил сўзлаб берсангиз.

— Мен яқиндагина Миср Араб Республикасидан бу ерга Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчионасига маданият ишлари маслаҳатчиси ва Тошкентдаги Миср фан ва таълим марказининг директори вазифасига келдим.

Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар жуда қадимдан мавжуд. Бу алоқалар кейинги йилларда яна ҳам ривожланиб бормоқда. Уйлайманки, ўз вазифамни бажариш мобайнида мен ҳам Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги шундай дўстона алоқаларни, маданий алоқаларни кенгайтиришга ҳисса қўиш ниятим бор.

Миср ва Ўзбекистон ўртасида, хусусан, Ватанингиз мустақилликка эришган айниқса, таълим, маданият соҳаларида эътиборга молик ишлар қилинди. Яқинда Ўзбекистондан бир гуруҳ санъаткорлар Миср Араб Республикасида бўлиб, Қоҳира шаҳридаги энг катта опера театрида мисрликларга ўз томошаларини кўрсатдилар. Бу томошалар мисрликларнинг олқишига сазовор бўлди. 1998 йилнинг 26 ноябрида Ўзбекистон киносанъати усталари томонидан яратилган фильмлар Қоҳирада ўтказилган халқаро фильмлар кўргазмасида иштирок этди. Шулар қаторида икки мамлакат ўртасидаги илмфан соҳасида ҳам муносаб ишлар олиб бориляпти. Бунда мен илм соҳасидаги мутахассисларнинг олиб бораётган ишлари борасидаги таҳриба алмаштиришларини назарда тутаялман.

Марказимизнинг фаолиятдан гапирсам, бу марказ Тошкентда араб тилини ўргатади. Араб тили ўргатилиб, ўқитилиб, Мисрнинг тарихи, маданияти, тарихига оид адабиётлар билан бойитилади. Уйлайманки, Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш ишига алоҳида эътибор қаратаман. Бу ишда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Факулдада ва Мухтор элчиси Махмуд Шавқий жаноблари ҳам хайрихоҳ бўлиб келяптилар.

Энди ўзингиз ҳақингизда ҳам бироз тўхталингангиз.

— Мен мутахассислик бўйича асли тупроқшуносман. Тупроқшунослик бўйича илмий ишлар қилганман. Миср университетида ишлаганман. Соҳам бўйича Ўзбекистондаги ҳамкасбларимнинг ишлари билан яқиндан танишдим. Яқиндагина Тошкент Давлат университетининг ректори билан бўлган учрашувимда Ўзбекистондаги тупроқшунослик муаммолари билан ҳам фикрлашдик. Шўрхоқ ер муаммоси Ўзбекистонда ҳам, Мисрда ҳам долзарб масала. Умид қиламанки, Ўзбекистон ва Миср олимлари ўртасида ўзаро фикр алмашувлар келгусида мамлакатимиз манфаатлари учун яхши оми бўлиб қолади.

Фатхулла ХИҚМАТОВ.

Инсон қалби гулдан нозик. Арзигаган гап билан уни ранжитиб қўйиш ёки озгина далда билан бир олам завққа тўлдириш мумкин. Биз ўша гамнак қалбимизга далда бўлган инсонлар борлигидан мамнун бўлиб, «Оқшом» газетамиз орқали уларга дил миннатдорчилигимизни билдирмоқчи ният қилдик.

Қизимиз Роза (жойи жаннатда бўлсин) республика инкассация бирлашмасида ишларди. 1993 йилда эса у оғир бетоб бўлиб, 37 ёшида ҳаётдан қўз юмди. Ўша

Оқибат ИНСОН ҚАЛБИ

пайтлари бу олам кўзимизга қоронғу бўлиб қолди. Ўзимизни қўярга жой тополмай юрган ана шундай дамларимизда унинг ҳамкасблари кўнглимизни кўтариб, тез-тез хонадонимизга ташриф буяриб туришди, қизимизнинг яхши фазилатлари ҳақида гапириб берадилар. Улар келган дамларда худди қизимизни қайта қўргандек сезинадиган бўлдик. Орадан 5 йил ўтган бўлса-да, ана ўша меҳр-мурувватли инсонлар бизнинг ёлғиз қолдиришмади. Байрамларда уйимизга келиб бизни йўқлаб, холимиздан ҳабар олиб туришибди.

Тўғриси айтсам, қизимизнинг ана шундай аҳил жамоада, меҳрибон инсонлар орасида меҳнат қилганидан фخرланиб кетаман. Ҳамда жиғибандим ишлаган жамоа аъзоларига доимо сийҳат-саломатлик тилайман. Уларнинг қалбларини меҳр туйғуси, оқибат ҳисси асло тарк этмасин.

Асқар ХУСАНОВ, «Қорасув-1» маҳалласи фуқароси.

Тошкентни намунали шаҳарга айлантиришда транспортчиларимиз ҳам муносиб улуш қўширилмоқда. Чунки йил эрта тондан то тун қоронғусигача ҳамшаҳарларимиз узоғини яқин қилиш, уларга маданий хизмат кўрсатиш фикри-зиқри билан яшашади. Ойла йилда қилинган ишлар ва Аёллар йилида амалга оширилган режалар ҳақида «Тошшаҳарўловчиган» давлат уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Шомурат Мухаммадҷонов қуйидагиларни гапириб берди:

— 1998 йил биз транспортчилар ҳаётида ҳам катта из қолдирди. Энг аввало шуни айтишим керакки, йилимизни Ойла йили деб беҳиз атамаган эканмиз. Чунки

зилларига етказилди. 7 миллиард 222 миллион сўмлик даромад олдик. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шартларида транспортларнинг эҳтиёт қисмларини четдан олиб келиш

да. 243-фуқаролар авиацияси ишлаб чиқариш бирлашмасида Россия Федерацияси билан ҳамкорликда иш олиб бораётган қўшма корхона эски моделдаги троллейбусларни таъмирдан чиқариб, фойдаланишга топширмоқда. Ўтган йили 10 та троллейбус қайта таъмирдан чиқарилиб, Бухоро, Фарғона ва Тошкент троллейбус саройларига хизмат учун юборилди. Мана шу ички имкониятларимиздан унмли фойдаланишимиз тўғрисида ҳам қандай шартнома ҳам транспортнинг барча тури ҳамшаҳарлар хизматида бўлмоқда.

Транспорт

ЯҚИН МАНЗИЛЛАР



уюшмага қарашли бўлган барча автокорхоналарда, трамвай-троллейбус деполарида, метрополигенда оилавий бўлиб ишга кириш, транспортларни бошқариш одат тусига айланиб кетди. Шунингдек, ишга бўлган муносабат мулк шаклини ўзгартириш жараёнида ҳам ижобий самара бера бошлади. Бунда 25 та корхонамиз очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Чиқарилган дастлабки эмиссиялар ва уларга тўлаиб бораётган дивидендлар биргита ишлаётган хотимли эмас, унинг оила аъзоларини ҳайдовчилик касбига бўлган қарашларини ўзгартириб юборди. Натихада 708,2 миллион йўловчи ўз вақтида ман-

тобора қимматлашга тўғрисида, ички имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилаялмиш. Трамвай вагонларини таъмирлаш ҳамда 2-автубус таъмирлаш заводларида энг зарур эҳтиёт қисмлар, автошина ва аккумулятордан ташқари 220 турдан ортик керакли қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

8-ва 2-автокорхоналарда Германиядан келтирилган «Мерседес-Бенц» автобусларига техника сервис хизмати кўрсатадиган марказлар ишлаб турибди. 7-автокорхонада эса ДЭУ автобуси ҳамда ахлатларни ташувчи махсус машиналар учун таъмирлаш ишлари йўлга қўйилди. 2-трамвай депосида эса «Татра» трамвайларига техника сервис хизмати кўрсатилмоқ-

да. Уюшма қошидаги транспорт соҳасининг тадбиркорлари ишига чет эллик ҳамкасбларимиз ҳам бошқача муносабатда бўлиб, тез-тез тажриба алмашилиб бориляпти. Айниқса акциядорлар бу борада шахдам қадам қўйишган. Биз жами 152,7 миллион сўмлик акция чиқарган эдик. Унинг 55,6 миллион сўми ички бозорда, 97,1 миллион сўми чет эл инвесторларига сотилиши белгиланган. Бу борада Германиянинг «Мерседес-Бенц» фирмаси яқиндан ёрдам бермоқда.

Мана шу ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш мақсадида 1999 йилда 54 та «Татра» трамвайи, 100 та «Шкода» троллейбуси, 100 та «Мерседес-Бенц» автобусларини чет эл банкларидан кредит олиш асосида келтириш мўлжалланяпти. Бу йил ҳамшаҳарларимизга совға тариқасида «Отайў» кичик ҳажмли автобусларнинг 50 таси хизматга қўйилади. Гулзода МАМБЕТОВА.



Аёл ва гул...
Равиль Альбеков олган сурат.

Шоҳида опа уйига хурсанд бўлиб кайтаркан, кизига кўзи тушиб, тўлкинланиб гапира кетди:
— Наргиза, кизим! Буни карагин, қандай чиройли кўйлақ сотиб олдим сенга!

Ун тўрт ёшли Наргизанинг кувончдан кўзлари чарақлаб кетди — чиройли, очик рангли кўйлақ! Шанба кuni мактабда бўладиган байрам кечасига борсаммикан ёки бормасаммикан деган иккиланчишлари унга энди кулгули бўлиб туюлди. Албатта, у бу ажойиб кийимда гўзал, кувнок, ўзига ишонган ҳолда боради. Наргиза кўйлақ таҳларини жуда авайлаган ҳолда кияр экан, қоматини ростлаб онасига қаради.

Шоҳида опа эса ҳафсаласиз пир бўлгандай, ранжиб: — Намунча бейхуш бўлмасан! Елкаларинг кийим илгичга ўхшайди! Кимга ўхшадиган хайронман, — деди. Кизча кўзлари ёшланиб ойнага қараркан, орқадан онасининг товшини эшитди: — Ха майли, Дилоромнинг олдига борсак, амаллаб сенга лойик қилиб берар.

Лекин бу сўзлар энди кизча учун аҳамиятсиз эди. Шанба кuni кечкурун ишларини хомуш бажарди. Кўз-

лари эса бефарқ боқарди.

Кизгина, кизларжон. Яқиндагина бизга жажжигина, бир жилмайишимизга ачомлаб жавоб берувчи мафтункор гўдак бўлиб кўринадигини. Овқат маҳалида ўзингиз эшитган барча янгиликларни, сирларингизни шоша-пиша айтардингиз,

Ахир улар ўзларининг дунёларини кашф этишпти: «Бахт нима?», «Нима учун яхшилик ёмонликдан доимо ғолиб келмайди?», «Мен ўзи қандай инсонман?» каби мураккаб саволлар гирдобига қолишган. Улар мана шундай ахлоқий масалаларни ҳал этишпти. Бу пал-

Муносабат

ҚИЗИНГИЗНИНГ КҮРИНМАС КҮЗ ЁШЛАРИ

ота-онангиз бирон-бир жаза берадиган бўлишса, дам ўтмай эдингиздан кутарилиб кетарди. Энди эса кўпича эҳтиёткорлик билан, шартда қилгандай ёки норозилик билан қарашингизни сезиб қоламиз.

Орамизда майда-чўйда гаплардан бошланувчи жанжаллар ҳам содир бўляпти. Сиз билан мулоқот қилиш қийинлашяпти. Лекин бу қийинчилик сизнинг бизга бўлган муносабатингиздаги қийинчилик олдида ҳеч гап бўлмай қолди. Биз ўн тўрт, ўн беш ёшда қандай бўлганимизни ёдимиздан чиқарганимиз. Балки шунинг учун, ҳозирги ёшингизда ота-оналар томонидан аниқлаш, сабр-тоқат ва юксак одоб намуналари кўрсатилишини аниқ вақти эканлигини тушуниб етмасиз.

лада кизларга бурни ёки ёбғи ҳақида айтувчи ҳазиломуз гаплар ҳам катта фожиа бўлиб туюлиши ва уларнинг яшириқча аччиқ йиғиларига сабаб бўлиши мумкин. Агар бу йиғи ичлари улар чехрасида қолса ҳеч гап эмас, лекин юрагиди қолса-чи.

Киноактриса Софи Лорен ўзининг бир сўхбатига эндигина кинога кириб келган даврида ўзининг хунуқлигига шу қадар ишонганини ва бунинг оқибатида ўзига ишончи бўлмаганлигини таассуфланиб айтган. Унинг оиласида Софининг бейхуш хунуқлиги ҳақида тинмай гапираркан экан. Ахир кўпича айрим ота-оналар буй ётай деб қолган кизларига қарата «Нимага сизгирга ўхшаб ялғайиб ўтирибсан»,

«Намунча имиллайсан», «Нега от кишагаддай куласан» каби айтган иборалари ёки бундан ҳам баттари ўзаро сўхбатларда кизларининг камчиликларини айтишлари, «Дадаси, кизимизнинг юриши ўрдакка ўхшайдими?», дейишлари ачинарли.

Сиз кизингиздаги ўзига ишонсизлик белгиларини сезиб қолдингиз. Дарҳол ёрданга шовилинг. Кечкурун дам олиш вақтларида турмуш ўртоғингизга қараб:

— Онаси, кизимизнинг юз-кўзлари жуда чиройли-а? Яна бир-икки йилдан кейин жуда гўзал киз бўлади-да, деб қўйинг. Кизингиз бувисидан наслий мерос бўлган, каттароқ бурнидан ҳижолат бўлса, унинг чарақлаган қора кўзларини мактаб кўйинг.

Лавҳамиз қаҳрамони Наргиза албатта байрам кечасига борар эди, агар... Агар онаси унинг озгинлигини юзига солмай, эҳтиёткорлик ва хушмуомалалик билан кулимсираб:

— Новдани нозикинасан-эй. Наҳотки мен ҳам сендай йилгидида шундай бўлган бўлсам? — деб айтса. Ва кўйлақ бурмаларини тўри-лаб:

— Биласанми, 5-қаватдаги Дилоромнинг ёнига чиқсак, бирпасда сенга ростлаб лойик қилиб берарди, — деса...
Саидамин МУСАХУЖАЕВ.

ШАРҚ ДУРДОНАЛАРИ



● Ҳақимлар айтади: «Яхшиликнинг асоси уч нарсада: биринчи, барчага нисбатан риёсиз камтарликда, иккинчи, миннатсиз саховатда, учинчи, ҳақ талаб қилинмайдиган хизматда. Одамлар тўрт нарсани қидирмасликка илоҳсиздилар: биринчи, яхшилик ва ёмонликни ажратишга ёрдам берадиган илмни, иккинчи, тирикчилик ўтказишга керак бўладиган асбоб-анжомларни, учинчи, кайфиятни яхши тутадиган воситаларни, тўртинчи одамлар билан муросани.

Букрот ҳақим айтган эди: «Ортиқча ширин бўлмагинки, ёки юбормасинлар ва ортиқча аччиқ бўлмагинки, туфлаб юбормасинлар».

● Бир кун «Бўзўргмеҳрдан: «Сўзлаш яхшимми ёки сукутми?» деб сўрадилар. У эса: «Сўзлаш!», — деб жавоб берди. Ундан: «Нега бўлмаса ўтмиш ҳақимлар доимо бунинг аксини айтиб келдилар?» деб сўради. Бўзўргмеҳр эса: «Сўзлаш афзал деганининг маъноси шуки, агар бу восита бўлмаганда эди, сукутдаги беқияс хислатлар очилмай қоларди!» — деб жавоб берди.

● Бехуз Боклий шундай деган эди: «Дунёда менга икки нарса хушдир, бири — дилга ёқадиган сўз, иккинчиси — сўз ёқтирадиган дил. Шодон кўнгилли киши шундай кишики, унинг дили сўздан фойда топа олади. Ёқимли сўз шундай сўзки, у кишининг дилига шодлик етказса олади!» Шейр:
*Жону танинг қуввати ёқимли сўзидир,
Масихнинг нафасидан гувоҳлик берар эга!*

Абулбаракот ҚОДИРИЙ.

● Ҳикоят. Дўстлардан бири доимо мен билан ҳамдаму уфат эди. Унга, «Киши қанчалик оқил бўлиб, садаф оғиздан гахвар сочса-да, унинг душманлари мингта яхшилик ичидан битта ёмонлигини топадилар!» дедим. У эса: «Душман дўстлар гулистонининг анжуманидан гул ўрнига тикон терган киши яхшироқ», — деб жавоб берди. Шейр:
*Қачон кўёи оламни нури билан тўлдирар,
Кўришанасан, кўрсатқон газабаниб кўйдирар!*

● Бир ҳақимнинг шундай деганини эшитганим: «Оғиз ичидидаги тил қин ичига яширилган қилчидир».

*Тил тигини ўтқир айламо асло,
Ўз бошини кесиб бўлмасин баҳо.
Улдирмоққа қачон хажжар қилинди,
Тил шаққиди унинг шаққи тилинди.*

● Ҳўрозни кўрмайсанми, бемавриду беҳангом қичқирди-ю, субҳи шомга айланди. Байт:
*Хўро қанот қоқиб бевақт қичқирди,
Муруват ўрнича боши қирқиди.*

ИБН КАМОЛПОШШО.

● Эй азиз, билгинки, киши ўз тилига доимо эҳтиёт бўлмоғи, ҳар бир гапни ўйлаб, сўнг гапирмоғи лозим. Киши қаерда бўлмасин ва қачон бўлмасин тилини ёмон сўздан асраса, ўйлаб, мулоҳаза билан гапирса, доимо фойда топади. Айтилган сўз отилган ўқ, уни қайтариб бўлмайди. Кўп сўзда кўп хато бўлади, дейдилар. Кўп киши тили туфайли ўзини бало домига мубтало қилади. Сийнага қадалган найзани чиқариб олса бўлади, аммо дилга қадалган сўз захарини чиқариб бўлмайди. Сўзини ўйлаб гапирмоқ ва тилини ёмон сўздан асрамоқ ҳақида ҳикоятлар кўпдир.

● Эй ўғлим, дунёда омон бўлай десанг, сергап бўлма, зарурат туғилса гапир, бўлмаса жимликни ихтиёр қил. Энг ёқимли хислат ва чиройли санъат тилини сақлаб билишдир.

Бархурдор ибн МАҲМУД.

● Мезбон уйда овқат тайёр бўлган, кўп бўлса атайлабдан меҳмон олдига озгина олиб чиқмаслиги ёки ортиқча келтирмаслиги лозим. Меҳмонни кўп ейишда айбамаслик керакки, бу меҳмондорчилик қонидасига ҳилоф ва меҳмон ҳақида хиёнат бўлади. Кўшни уйдан таом чиқса бир қисмини ичкарига болаларга киргизиш мумкин. Ёки меҳмон олдига қўйиб, меҳмон қўл артган, киргизса ҳам бўлаверарди.

● Меҳмон хотин-қизлар кириб чиқадиган томонга қараб эмас, бошқа томонга қараб ўтиргани яхшироқ. Уй соҳибининг рухсатисиз айтилмаган ёки нотаниш одам бошлаб келинмайди. Агар соҳиб хона ишончли ва синалган киши бўлса унда бунинг йўриғи бошқа. Утиришга кирган ён-веридидаги кишилар билан ҳол-аҳвол сўралади.

● Бир улуг кишини меҳмонга айтганларида: «Таклифини уч шарт билан қабул қиламан! Биринчиси шуки, бозордан атайлаб нарса сотиб олмайсан. Иккинчиси шуки, уйингда борини атайлаб яширмасдан олдингга қўясан. Учинчиси шуки, аёл ва болаларнинг ҳақини менга едирмайсан!» — дер эди.

Маҳмуд ибн МУҲАММАД.

● Кимки бировни унда йўқ яхши сифатлар билан мактаса бу мактов эмас, балки ҳажв, яъни унинг устидан қулиш билан баробар.

Муҳаммад ҲУСАЙН.

● Тамағир кўпгина нарсаларга тама кўзи билан қарайди. Бирок ҳеч нарсага етолмайди, барбир муҳтожликда қолаверарди. Бойлик кишини ҳеч вақт ҳақийқ саодатга етказолмайди. Тамағир эса бахту саодат одамга олтин кумуш орқали келади, деб ўйлайди. Тама орқали тўпланган молу давлат тамағирнинг ўзигагина эмас, ҳатто меросхўрларига ҳам яхшилик келтирмайди. Тама инсоний хислатлардан маҳрум эди.

● Қаноатсизликдан келадиган офатлар беҳисобдир. Шулардан бири ҳасаддир. Ҳасад эса давоси йўқ дард. Кимки ҳасад қилиб, бу дардга илбини қолса ўлмасдан қутулмайди.

Ҳаёлиддин ал-ҲАСАНИЙ.

● Айтишларича, ҳар бир нарса ақлга муҳтож. Ақл эса тажрибага муҳтождир. Ақл билан тажрибанинг алоқаси сув билан еригач алоқаси кабилар. Сув билан ер ўзаро бирга бўлмаса ерда бирор нарса бўлиши маҳол!

● Фавоқиҳ ал-Жуласо»дан.

● Луқмони Ҳақим айтди: — Кишининг ақли шараф ва улуглик асосидир. Кимнинг ақли кўп бўлса айблари яширин ва дўстлари эса ундан рози бўлади.

● Фавоқиҳ ал-Жуласо»дан.

● Кундан-кунга саодатли бўлай десанг, қанчалик доно бўлмагин, барбир ўзини нодон деб тасаввур қил! Шунда кўпроқ ўқиб, донорол бўласан. Илмни эса ўз жойида сақлаб қил.

● Маҳзан ал-улум»дан.

Араб, форс, турк тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.

Қатрапар

КҮК МУЗ

Ариқ юзидаги ойнадек юпка муз офтобдан секин эриб, қулдиран оқабган сувга томчилади.

— Бора-бора ерга сингман, — дейди тақдирга тан бериб. Яқинроқдаги кун тегмас жойда қотган кўкмуздан эса хавотирда: — Йўловчилар устингдан жон ҳовучлаб ўтишяпти. Кимдир тойганиб йиқилса шаънинизга доғ-кў. Жудаям бағритош бўлмай, сал юмшагин.

Кўкумиз миқ этмас. «Зўригуздан» ҳозирча маст эди.

Бехосдан йиқилган бир одам жаҳл билан ломда «зўр»ни майдалаб ариққа оқизди.

ЁЛҒОНЧИГА ШАРҚ

Бир йигит кўпни кўрган одамга ўз сирини айтмоқчи бўлди.

— Менга айта кўрма. Оғзим «бўшроқ». Кимгадир ошкор қилиб қўйсам... Ҳеч иккиланмай ёлғончига айт. Сиринг ошкор бўлмайди. — Ие-е, — ёқасини ушлади йигит. — Битта гапимнинг ёнига ўн-та ёлғончи қўшиб, кимни курс валдирайберса нима деган одам бўламан?

— Юзтани кўшиб валдирамайдимми?! Сенга нима? Бизда ёлғончининг гапига ҳеч ким ишонмайди.

ОХИРАТ САНДИГИ

Отанинг боғига Хи-эр барака берган: бола-чака яйраб есаям, бозорга сотсаям, қурт-қумурска, қушлар баҳра олсаям узуми адо бўлмайди.

— Богдан вақтим чоғ бўлиб юрганига Оллоҳга беадад шукр, — дейди ота, — ҳалол меҳнат таннинг садақаси.

Қариганда тантилиги ошиб, токи йўқ ва ночорларга катта пақирда узум тарқатишни одат қилди. Кўпнинг оғзига элак тутиб бўлмас экан. Кимдир отанинг шаънига: — Кўли очик сазийга Оллоҳ ҳам хазинасини очиб қўяркан, — деса, «қирқ йилдан буён узум сотган пулига сандиғи аллақачон тўлган, қанча узум улашсаям кам», — дея гашиқ қилади хасис богдон. Ота қазо қилди. Сандиғини очишса фасол ва гўрковга аталган омонатдан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Лекин содда ва мўмин богдоннинг охират сандиғи савобларга тўлган эди.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

Никоҳ — оиланинг бошланиши, унинг асосини ташкил этади. Никоҳнинг тўғри ҳал қилиниши давлат учун ҳам, жамият учун ҳам катта аҳамиятга эга. Шу сабабли қонун билан никоҳ ва уни тузиш шартлари тартиби, никоҳдан ажрлиш ҳам эр-хотиннинг шахсий ва мулкий муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади.

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш (ФХД) идорасида расмиёлаштирилганда сўнг оила вужудга келади ва ФХД идорасида тузилган никоҳни оила деб тан олинади, яъни ушбу давлат идорасида тузилган никоҳ эр-хотиннинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини келтириб чиқаради.

Ўзбек халқи қадимдан никоҳ ва оила масаласига жиддий қараб келган, никоҳсиз жуфтлик маъқулланмаган, никоҳсиз фарзанд кўриш қораланган, бунинг ўз ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари бор. Ахлоқий жиҳатдан у халқнинг маънавий турмушига пугур етказса, ҳуқуқий жиҳатдан анча номувофиқликлар, чигалликлар ва бир қанча муаммолар келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам қонуний никоҳнинг ва нормал оиланинг жамият маънавий тараққиётидаги аҳамияти катта.

Ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятларидан бири — кўп болалик бўлишида. Шаҳримизда 525 мингдан ортиқ оила мавжуд бўлиб, ҳар йили уларнинг сонини 15 минггача ёш оила ҳисобига қўлайиб бориюкда ҳамда 30 мингдан ортиқ бола туғилмоқда. Лекин оиланинг ривожланишига бевосита салбий таъсир этувчи асосий омиллардан бири никоҳнинг бекор этилиши, яъни ажрлашидир.

Афсуски, ёш оилаларнинг мустаҳкамлигига келганда фахрланиб гапиролмаймиз, чунки ҳаётимизда никоҳдан ажрлаш ҳолатларининг кўپлаб учраб турганлиги ўта ачинарли ҳолдир.

Ажрлиш нима? Бу — оиланинг барбод бўлиши, оила ва унинг энг яқин кишилари учун оғир нохушликдир.

Амалиётда никоҳдан ажрлишнинг сабаблари эр-хотиндан бирининг ичкиликка берилгани, эр ёки хотиннинг хиёнат қўчасига кириши, келин ва қайнонанинг ўзаро келишолмаслиги, ёшларни мажбурият турмуш қурдириш, ота-оналар аралашуви, фарзандсизлик, ёшларнинг масъулиятсизлиги, жинсий тарбиянинг етishмаслиги, қолаверса ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқий билимларга эга эмасликлари ва ҳоказоларни сабаб қилиб келтириш мумкин.

1997 йилда Тошкент шаҳрида 15908 та никоҳ қайд этилган. Бир неча юзлаб никоҳ бекор бўлиб, 1390 таси ФХД орқали, яъни ўзаро розилик ва ўртада фарзандларнинг ҳамда мулкий низоларнинг йўқлиги асосида қайд этилган.

Келишмовчиликлар, оилавий жанжаллар жамиятимизга ва оилага ҳам иқтисодий, ҳам маънавий зарар келтиради. Жамиятимиз келажоғи буюк бўлиши учун, унинг асосий бўлини бўлган оиланинг мустаҳкам бўлишида ҳуқуқий тарбиянинг ўрни жуда муҳимдир. Шунга кўра, ёшларимизни қонун устувор бўлган жамиятда оилавий ҳаётга тайёрлаш барчамизнинг асосий вазифамиздир. Қонуни билган киши унга ҳилоф иш қилмайди, шунинг учун ҳам ҳаётда муносиб ўрнини топа билади.

Шу ўринда «Тошкент оқшом» газетасининг ўтган йил 23 декабрь сонидида эълон қилинган Халқаро Ислоом тадқиқот марказининг мудири, фалсафа фанлари доктори Маҳмудхўжа Нуриддиновнинг «Қушинг ҳам уяси бузилмасин» сарлаваҳали мақоласида кўтарилган вазифалар низоҳатда долзарб эканлигини алоҳида таъкидлаймиз.

Муаллиф мақоласида никоҳ шартномасини тузиш давр талаби эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шу фикрга қўшилган ҳолда оиланинг бузилиб кетмаслигига никоҳ шартномаси ҳуқуқий асос бўлиши мумкинлигини назарда тутиб, қуйидаги мулоҳазаларни айтишни лозим деб тойдик.

Маълумки, 1998 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Республикасининг янги Оила кодекси амалда қўлланила бошланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексидаги оилавий муносабатлар маълум бир тартибга солинди.

Ушбу Оила кодекси конституцион нормалар асосида оила, оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни ўз ичига олади.

Оила кодексининг 13, 212-моддаларига асосан, ФХД идорасининг ходими никоҳланувчиларни никоҳни қайд қилиш тартиби ва шартлари билан таништиради, уларни бир-

бирларининг соғлиқларидан, болалари бор-йўқлигидан, нечани марта никоҳга қираётганликларидан хабардор эканликларини билиши ҳамда бўлажак эр-хотин ва ота-она сифатида қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишларини тушунтириш ҳамда никоҳга киришга монелик қиладиган ҳолатларни яширишга ҳақдор бўлиши ҳақида оғоҳ қилинади. Шунингдек, тебибий қўриқдан ўтиш ва никоҳ шартномасини тузиш тартиблари тушунтирилади.

Қонунда белгиланган қоидалар акс эттирилган махсус «Ёш келин-куёвлар учун эсдалик» китобчасини тақдим қиладилар.

Хусусан, кодексга ўзбек қонунчилигида янги бўлган айрим қўшимчалар — никоҳ шартномаси ҳамда алимент тўлаш тўғрисидаги келишув киритилган.

Оила кодексининг 30, 131-моддаларига асосан, никоҳ шартномаси ва алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Тузиладиган никоҳ шартномаси, эр-хотинга никоҳ даврида ёки никоҳ бекор қилингандан кейинги ҳолатда уларнинг мол-мулкка нисбатан бўлган эгаллик ҳуқуқини белгилаб олиш имкониятини беради.

Никоҳ шартномаси алоҳида ҳуқуқий белгиларга эга бўлган фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Акс саво

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ НИМА?

Никоҳ шартномасининг субъектлари — бу никоҳ тузувчи шахслар ва эр-хотинлардир. Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинганга қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ ФХД идорасида давлат рўйхатига олинганга қадар тузилган никоҳ шартномаси, никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб қучга қиради. Агар никоҳ қайд этилмаса (тузилмаса) шартнома бекор қилинади.

Никоҳ шартномасининг мазмуни, эр-хотиннинг мулкига нисбатан маълум бир тартибни ўрнатишдан иборат.

Никоҳ шартномасининг шартлари эр ва хотиннинг мавжуд мулкки ҳуқуқига нисбатан ҳам, шунингдек, никоҳ даврида келиб чиқадиган бўлгувчи мулкки ҳуқуқига нисбатан ҳам тузилиши мумкинлиги, унинг муҳим томони-дир.

Ўзбекистон Республикаси Оила қонунчилигига никоҳ шартномасининг киритилиши ҳар бир шахснинг никоҳга киришга ёки никоҳ даврида албатта никоҳ шартномаси тузилиши шарт деган маънони аниқлаб беради.

Қонун бўлгуси келин-куёвларга ҳамда 1998 йилнинг 1 сентябрга қадар ФХД идорасида никоҳлари қайд этилган эр-хотинларга, уларнинг никоҳ давридаги мулкки муносабатларини никоҳ шартномасида ўзлари мустақил равишда белгилаб олишлари ҳуқуқини беради, лекин уларни бунга мажбур этмайди.

Бундан ташқари, янги замонавий иқтисодий шариоатда никоҳ шартномасининг тузилиши тадбиркор эр (хотин) учун, ажрлиш юз берган тақдирда, ўз муассасасини умуий мулк ҳиссаси сифатида бўлинишидан сақлаб қолиш, унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда мумкинлиги ҳақида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, шунингдек, никоҳ бекор қилинганидан сўнг, бир томон иккинчи томоннинг юридик беҳабарлигидан фойдаланиб, унинг манфаатларига зарар келтирган ҳолда туғилган баҳслардан қочиб мақсадда ҳам тушунтириш зарур. Эр ва хотин ўртасидаги низо судда кўриб чиқиши лозим бўлган тақдирда, суд қонун асосида эмас, балки ана шу никоҳ шартномаси асосида иш қўради.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 31-моддасига кўра, никоҳ шартномаси билан тартибга солинадиган мулкки ҳуқуқлар юзасидан бўлган эр-хотиннинг саволлари доирасида чекланмаган.

Бу саволлар доираси асосан 4 та қўринишдаги муносабатларни ўз ичига олади:

1. Эр ва хотин никоҳ шартномасига кўра, биргаликдаги умуий мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартиришга, эр ва хо-

тиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликда, улушли ёки алоҳида эгаллик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир.

Никоҳ вақтида олинган мулклар никоҳ шартномасига кўра, эр-хотиннинг улушли ёки алоҳида мулки деб ҳисобланиши мумкин.

Бу қоида никоҳ даврида йирилган ҳамма мулкка нисбатан ҳам ёки унинг алоҳида турларига, келажакда олинмаган буюмлар ва қалайдиган даромадларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

2. Эр-хотин никоҳ шартномасида оила харажатларини тақсимлашга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашлари мумкин. Бу қоида қундалик, шунингдек, бошқа харажатларга, яъни оила аъзоларининг ўқишига, эр-хотиннинг иккисига ёки бирига тегишли бўлган мулкни сақлаш ёки яхшилаш билан боғлиқ бўлган х



Футболни спортнинг оммавий тури сифатида Тошкент шаҳрида янада ривожлантириш, профессионал ва хаваскорлик клубларини, моливий ва моддий-техника базасини мустахкамлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 июлдаги 283-сонли қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулаганов «Ўзбекистон Республикасида футболни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси футболни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимини ташкил этиш тўғрисидаги шаҳар таъсис конференциясининг қарори маъқулланди.

Ўзбекистон футболни ривожлантириш Республика жамғармасининг 1997 йил 23 июлда Адлия вазирлигида 273-сон билан рўйхатга олинган Низоми асос учун қабул қилинди ва Тошкент шаҳар футболни ривожлантириш жамғармаси ушбу Низом асосида ўз фаолиятини юрлатади.

Туман ҳокимликларига Тошкент шаҳар футбол федерацияси билан биргаликда Тошкент шаҳридаги барча футбол клубларининг фаолиятини чуқур ўрганиб чиқиш ва уларга келгусида футболни ривожлантириш юзасидан зарур услубий кўрсатма-

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

Ўзбекистон Республикасида футболни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимини ташкил этиш тўғрисида

лар бериш вазифаси топширилди.

Футболни ривожлантириш жамғармасига миллий футболни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, футбол клублари, болалар ва ўсмирлар футболни моддий-техника базасини мустахкамлаш, футболчиларни рағбатлантириш мақсадларида жамғарма ва унинг ҳудудий бўлиmlарини шакллантириш, бу ишга хорижий инвесторлар ва хомийларни жалб этиш, футбол-спорт индустрияси зарур моддий ва ишлаб чиқариш базасини ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Футболни ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва статистика Бош бошқармаси, Молия бош бошқармаси, бош-

қа манфаатдор идоралар, Тошкент шаҳар туман ҳокимликлари билан биргаликда жамғарма фаолиятини такомиллаштириш, унинг Низомидан қайд этилган қондаларга мувофиқ спорт товарлари ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этиш,

Футболни ривожлантириш жамғармаси ва унинг бўлиmlари, профессионал футбол клублари, спорт мактаблари ва футбол мактаб-интернатлари.

Олимпия тайёргарлик маркази — четдан келтирилмаган спорт асбоб-ускуналари ва инвентарга солиқларнинг барча туридан ва бож тўлашдан, шунингдек, ўйингоҳларнинг турли маданий кўнгилочар тадбирлар ва футбол ўйинлари вақтида лотерея ўйинларини ўтказишдан тушган даромадлари солиқ тўлашдан, бўшаган маблағларни низомдаги вазифаларни бажариш учун Тошкент шаҳар футболни ривожлантириш жамғармасига йўналтириш шарт билан 1 йил муддатга овоз қилинганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурий бинолар бошқармасига футболни ривожлантириш жамғармасини жойлаштириш учун жой ажратиш масаласини ҳал этиш, самарали фаолият кўрсатишлари учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш вазифаси юклатилди.

«Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари, шаҳар оммавий ахборот воситаларига Тошкент шаҳар футболни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини, оммавий футбол ҳаракатини кенг ёритиш вазифаси топширилди.



Янгиликлар

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Мамлакатимизда илк мартаба миллий кураш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилмаган фуқаро ҳам тобора яқинлашиб келмоқда. Шу муносабат билан шаҳримизда ушбу нуфузли мусобақаларга қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Энг муҳими, ҳозирга қадар ушбу нуфузли мусобақада Осиё, Африка, Европа ҳамда Америка қитъасидан етмиш икки мамлакат спортчилари иштирок этиш истагини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» жамғармасида мусобақани ўтказиш ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда кураш халқаро ассоциациясининг президенти Комилжон Юсупов ва бир қатор шу соҳа мутахассислари иштирок этдилар.

Унда асосан Ўзбекистон терма жамоаси таркиби ва ҳакамлари тўғри танлаш, моливий ва реклама ишларини ташкиллаштириш ҳамда «ЖАР» спорт марказининг чемпионат баҳсларига ҳозирлаш масалалари муҳокама қилинди ва бу тўғрисида мутахассисларнинг фикрлари билдирилди. Шунингдек, Ўзбекистонда биринчи мартаба ўтказилаётган халқаро аҳамиятга молик бўлган бу мусобақани кўнгилдагидек ташкил этишда хомийларнинг ёрдамлари жуда ҳам зарурлиги алоҳида қайд этилди.

БАҲСЛАР ҚИЗИДИ

Кейинги пайтларда республикамизда спортнинг минн футбол турига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спортнинг ушбу тури бўйича кўпгина мусобақаларнинг ўтказилиши фикримизга далил бўла олади.


Жиззах, Қарши ҳамда Тошкент шаҳарларида минн футбол бўйича учинчи миллий чемпионатнинг иккинчи босқич ўйинлари бўлди. Ушбу шаҳарларда ўйинлар ўзига хос руҳда, таассуротларга бой ва серизмат ўтди. Унда уч гуруҳга бўлинган ҳолда ўн еттита жамоа ўзаро беллашди.

Поиттахтимиз гуруҳига эса бешта жамоа, яъни Муборакнинг «Машъал», Косоннинг «МЭЗ», Наманганнинг «ШамсЛТД», Андижоннинг «Турон-С» ҳамда Фарғонанинг «Динамо спринг» жамоалари қатнашдилар.

Очил ХАЗРАТОВ.

Юртимиз довуғини таратганлар

«ОСИЁ ҚОПЛОНИ» ҚУЖУМГА ШАЙЛАНМОҚДА



бўйича Осиё чемпиони Ботир Зокиров ва бошқа кўпгина спортчилар юртимиз фахридир. Ҳозир 1993 йилда «Биллур» клубида кикбоксинг билан шуғуллана бошладим. Унинг тарихи эса шундай. Мақсадим яккакураш билан жиддий шуғулланиш эди. Тазквандо, каратэда асосан оёқ билан, боксда эса қўл билан ишланиши туйғуллардан кўнглим тўлмади. Ҳарбий хизматдан келганимдан сўнг «Биллур» клубида кикбоксинг билан машғул бўлишга қарар қилдим. Бир кўрганымдаёқ кизикарли, мардонавор спорт тури бўлганлиги учун менга жуда ёқиб қолди. Шу тариқа кикбоксинг билан жиддий шуғуллана бошладим.

— Кикбоксинг жароҳатлар олиш хатари кўпроқ спорт турлари қаторига кирди. Ойлангизда қаршилик қилишмади-ми?

— Албатта, қаршиликлар бўлди. Республика чемпиони бўлиб, жаҳон биринчилигида голиб чиқай, кейин ташайман деган бўлсамда, охири-охирида кикбоксинг ҳаётимнинг ажралмас бир қисмига айланиб кетди. Умуман, машғулотда қийин бўлса, жангда осон кечади, деганларидек, киши қанчалик ўз устидан кўп ишласа, шу спорт турига меҳр қўйиб маҳоратини ўстираса, натижаси рингда кўринади. Фақат пухта тактика ва ақл билан

ишлаш керак. Менинг ҳам ҳозир машғулотларда қатнашсам, у ёки бу халқаро мусобақалардан қолиб кетсам ҳаётимда нимадир етишмаётганга ўхшайди.

— Халқаро майдонда эришган ютуқларингиз тўғрисида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

— Мен биринчи навбатда Ўзбекистонда ушбу спорт турининг оёққа туриши ва ривожига катта ҳисса қўшган спорт устаси, бокс ва кикбоксинг бўйича Осиё чемпиони, дастлабки ва ягона устозим Ботир Зокировдан баҳад миннатдорман. Унинг қўл остида профессионаллар ўртасида икки марта, хаваскорлар ўртасида икки марта Ўзбекистон чемпиони бўлдим. 1996 йили Чехияда ICF русуми юзасидан контактли кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионатида голиб чиқдим. 1995 йилда Киевда WACO русуми бўйича ўтган жаҳон чемпионати ҳамда 1997 йили Польшада ўтган фул контактли кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионатида иккинчи ўринларини эгалладим. 1997 йили Англияда IAKSA русуми бўйича ўтган контактли кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионатида, ўша йили Хорватияда WACO русуми бўйича лоу киқли фул контакт кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионатида бронза нишонларининг соҳиби бўлдим. Айниқса, 1998 йил сентябрда IAKSA русу-

ми бўйича Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Европа очиқ чемпионати баҳслари узок вақт ёдимдан кўтарилмади. Унда фул контакт йўналишида илк бор қатнашиб, қийин жанглардан сўнг урта рақибимни енгиб, финалга чиқдим. Ҳал қилувчи беллашувда жуда ноқулай рақиб — россиялик Тимур Ҳасанов билан курашишга тўғри келди. Бўйи мендан 15 сантиметр баланд, қўллари узун бўлганлиги сабабли ўзимга яқин келтирмасликка ҳаракат қилдим. Деярли тенг курашлар остида ўтган баҳсда менга иккинчи ўрин насиб этди. Ушбу Европа чемпионатида Зоир Бўриев, Владислав Кам ва Владислав Резник каби ҳамюртларимиз бронза нишонларининг соҳиблари бўлишди.

— «Осиё қоплони» номига қандай сазовор бўлгансиз?

— Албатта, қоплон кучли, тезкор ва чаққонлиги, енгил ҳаракатлари билан алоҳида ажралиб туради. Ҳозир енгил вазн — 54 килограммда қатнашиб, рингда чаққон ва тезкор ҳаракат қилганлигим боисидан, 1995 йилдан бошлаб «Осиё қоплони» номини олганман.

— Шогирдларингиз ҳам борми?

— Шаҳримиз ёшларига кикбоксинг катта қизиқиш туғдираётганидан жуда хурсандман. Ҳозир «Биллур» клубимизда ўнга гуруҳда 250 га яқин ёшлар кикбоксинг сирларини ўрганишмоқда. Ҳозир мусобақаларда қатнашиш билан бирга, 1994 йилдан буюн устозлик ҳам қилиб келяман. «Биллур» клубида иккита гуруҳда машғулотлар ўтказяпман. Темура Мухаммадзонов, Акбар Ақромов, Раим Қамбаров, Хусниддин Сатторов, Олмос Абдуллаев, Хусайн Камбаров каби истеъдодли шогирдларим жаҳон ва Осиё чемпионатлари, йирик халқаро турнирлар, республика чемпионатларининг голиб ва совриндорлари бўлишган. Яна бир шогирдим Зоир Бўриев Европа очиқ чемпионатида учинчи ўринни олди. Ҳозир гуруҳларимда 1979—82 йилларда туғилган кўпгина иқтидорли ўсмирлар шуғулланмоқда.

— Келгусидаги режаларингиз...

— Насиб этса яна 4—5 йил кикбоксинг билан шуғулланиб, мустақил юртимиз шаҳарини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилиш ниятидаман. Юқорида айтганимдай спорт ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланиб кетди. Рингни тарк этганимдан сўнг эса «Биллур» клубида мураббийлик билан шуғулланмоқчиман.

Сўхбатдош Дилшод ИСРОИЛОВ.

Кейинги пайтларда кикбоксинг жуда мардона ва чиройли спорт тури сифатида жаҳон мамлакатларида тез ривожланмоқда. 90-йилларнинг бошларидан ушбу жозибали спорт тури юртимизга ҳам кириб келиб, ҳозирда кенг тарқалган. Энг қувонарлиси, ўтган қисқа муддат ичида шаҳримиздан кўплаб жаҳон ва Осиё чемпионлари, қатор нуфузли халқаро турнирларнинг голиблари бўлиш кикбоксинг усталари етишиб чиқди. Бизнинг кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони, чет элларда «Осиё қоплони» номи билан машҳур Акмал Зокиров билан суҳбатимиз ҳам ушбу янги спорт турининг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистонлик кикбоксинг усталарининг муваффақиятлари тўғрисида бўлди.

— Акмалжон, айтгинчи, кикбоксингнинг бошқа спорт турларидан қандай фарқи, ўзига хос устун томонлари бор?

— Кикбоксингнинг луғавий маъноси оёқ иштирок этадиган бокс бўлиб, у АҚШда келиб чиққан. Машҳур каратэ устаси Чак Норрис уни «Шарқ яккакураши билан габо курашининг уйғунлашуви» дея ифода қилган эди. Кикбоксинг бокс, каратэ, тазквандо, дзю-до, муайтай услублари бор. Унинг йўналишлари ҳам кўп — спортчилар тўла контактда бўладиган фул контакт, лоу киқли фул контакт, фрнстайллар жудлар жумласидан. Кикбоксинг дунёда жуда кўп давлатларда ривожланган бўлиб, 1974 йили Лос Анжелесда биринчи жаҳон чемпионати ўтказилган. Охириги жаҳон биринчилигида 80 га яқин давлат вакиллари иштирок этганлиги ҳам унинг халқаро майдондаги катта нуфуздан далолат беради. Машҳур спорт ва кино юлдузлари — Жан Клод Ван Дам, Чак Норрис, Дон Уилсон, Синтия Ротроклар ҳам кикбоксингнинг кенг оммалашшига маълум маънода ўз ҳиссаларини қўшганлар.

— Сизда ушбу спорт турига қизиқиш қандай туғилди?

— 1990 йилларнинг бошларида Тошкентда «Биллур» клуби очилганидан сўнг шаҳримиздан кикбоксинг бўйича жуда кўп маҳоратли спортчилар етишиб чиқди. 1994 йилда Бангкоқда ўтган муайтай бўйича жаҳон чемпионатида голиб чиққан Эркин Қўтубоев, 1995 йилда WACO русуми бўйича Киевда, 1997 йилда Польшада жаҳон чемпиони бўлган Олмос Юсупов, кикбоксинг

лари ва витаминлар жуда кўп. Шунинг учун лимон доимо хонадонингизда бўлишини истасангиз уни пергамент қоғозига ўраб

қўймоқчи бўлсангиз, кесилдан аввал қайноқ сувга чайиб олинг. Кесганидан сўнг хушбўй ҳид таратади.

ди ва яна лимон тиллимлари устидан қуйиб суз оловда қайнатилди. Бу ҳолат 2 марта такрорланади.

1 килограмм лимон учун 1,5 килограмм шакар ва 2 стакан сув керак бўлади.

(Иккинчи усул). Бунда лимон тозалаб ювилиб, бўлақларга бўлинади, уруғидан тозаланади ва гўшт майдаланади. 1 килограмм майдаланган лимон 1,5 килограмм шакар билан аралаштирилиб, хоҳласангиз тоза ювиб қуритилган шиша банкаларга солиб қўйишингиз ҳам мумкин. Хоҳласангиз шиша банкаларга бир қайнатиб олган, сўнг солсангиз ҳам бўлади. Бундай ҳолатда имкон қадар совуқоналарда сақлангани маъқул.

Гулбаҳор МҮМИНОВА тўплаган.

ЛИМОН ВА УНИНГ ХОСИЯТИ

Лимонни минг дарднинг давоси десак янгилишмаймиз. У субтропик ва тропик мамлакатларда ўстирилган. Ҳозирги вақтда юртимизда ҳам лимончилик билан шуғулланувчи боғbonлар жуда кўп. Уларнинг савий-ҳаракати туйғулли бозорларимизда лимон йил ўн икки ой мавжуд бўлиб туради.

Лимон таркибида ўртача 3,5-8,1 фоиз органик кислоталар (асосан лимон кислотаси), 1,9-3 фоиз қанд моддаси, 87 фоиз витамин С, В1, В2, РР витаминлари, пектинли моддалар, калий, кальций, мағний, фосфор ва темир тузлари бор. Унинг пўстида эфир майлари, пектин модда-

Маспаҳатларимиз

ЛИМОН МУРАБОСИ

(Биринчи усул). Пўсти арчилган лимон қайнаб турган сувга солиниб 20 минут қайнатилди. Сўнггра совуқ сувда ювиб, тилим-тилим ёки паррак-паррак қилиб тўғралади, уруғи олиб ташланади. Бўлақларга бўлинган лимон қайнаб турган қиймага солинади, қайноғига етгач оловдан олинди. Бир соатдан сўнг қиймаги бошқа идишга қуйиб олиб, 10 минут қайнатилди.

● Агар лимон кўп вақт туриб қурий бошлаган бўлса, уни совуқ сувга солсангиз асли ҳолига қайтади.

● Лимон сувини сиқиб олишдан олдин уни бир неча марта иссиқ сувга солиб олинг. Шунда кўп сув сиқиб олинади ва у хушбўй бўлади.

● Лимонни паррак-паррак қилиб дастурхонга



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзиллими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига муурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академик В. Воҳидов номидagi жарроҳлик илмий маркази ва патологик анатомия лабораторияси жамоалари марказининг бош илмий ходими, тиббиёт фанлари доктори, профессор
Владимир Алексеевич ХОРОШАЕВИНГ
бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқинлари ва дўстларига чуқур таъзия изҳор этадилар.